

«Бошка миллатларга каралса кўрилулки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўкилури. Чунки дунёда турмуш учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошка миллатларга поймол бўлири.

50 сана мукаддамги замонда, биз туркистонлилар яққа ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошка миллатлар ила махлути бўлди, шариъат ва ўз урфимиз устига қонун ва Оврупо одатига итоати қилмоққа мажбурмиз.

Аммо қонун ва Оврупо одатларини билмаганимиз учун бойимиз бўлсин, қози ва миллий ҳуқуқимиз ва аҳолиимиз бўлсин қўб ташвиш ва зарар қўлар. Замони собиқда фақат шариъат қилмоқ қифоя этарди. Энди қонун ва қонунчи қилмоқ ҳам лозимдур. Шариъат илми мадрасаларга, қонун илми Россия дорилфунунларига ўкилури. Дорилфунунга қилмоқ учун, аввало, ўн сана гимназияга ўқуқмоқ қарар. Сўнгра тўрт сана дорилфунун ўқиб андан ҳуқуқшунос, юристи, таъбир жоизи бўлса, замона фақиҳи бўлиб қилар. Суд маҳкамаларинда, давлат доираларинда, қилиб, ҳар ҳуқуқшунос ўз муваққили ва ўз миллати ва ўз тойифаси ва ўз Ватани ва ўз давлатининг нафъига сўйлашури, мудофаа қилури.

Масалан, давлат думасинда биз Туркистон мусулмонларидан шундай ҳуқуқшунос вақил бўлса, бизни дин ва миллатимиз нафъига ҳаракат қилури. Аммо шундай одам бизда йўқ.

Давлат думаси нари турсин, судга ва расмий маҳкамаларга қилиб, бизни мудофаа қиладургон қилимиз йўқ. Бошимиз огриса дўктурга борамиз, аммо дардимизни айтмоқга тил йўқ. Ўзимиздан дўктур йўқ.

Иккимиз бир-биримиз ила низо қиламиз. Қетамиз қонунчига, сўйламоқга тил йўқ. Орадаги одамлар яна бизга қилиб берар, пул берармиз, югурармиз, яна ишлар қарбод, охири йўқ.

Иморат қилмоқчи бўлсак, қонун-қоиғаси лозимқи, инжинерга муҳтож бўлармиз. Аммо биз

хануз «мухандис» исмини билмаймиз.

Контур ва расмий дафтар тутиб, касса куриб тижорат этмок лозим. Илм тижорат била турган бухгалтерик хисоби юритадургон бойларимизга керак, ул хам ўзимиздан бир нафар топилмайдур.

Хаммолликдан бу ишлар яхши бўлса керак. Бир неча бойваччани биларманки, энг каттик хизматларга гирифтор. Сабаби надур — илмсизлик. Холбуки аларни «тўйи»га атоси 5 минг сўм сарф этиб эди.

Туркистон меваси, донаси, тоши, туффроги, эски нимарсалари Оврупо бозорига кетар. Муни Оврупо даллоллари келиб оз бахога олиб кетар, меҳнатни биз килурмиз, фойдани улар кўрар. Ўз нимарсамизни Оврупо бозорига элтиб, яхши бахога сотатургон бизда бир одам йўк. Азбаски, Оврупо ила савдо килатургон кишини (ўзи) аввал ўн сана замона илми ўкумоги лозим.

Бизда шохи, адрас, бекасам, алоча... бофликлар бор. Агарда бир нафар техник ва мухандисимиз бўлса бу дастгоҳларни ислох этар, ахоли обод бўлур. Валлох, якин вақтда "дока" бофилларимиздек зоеъ бўлиб кетар. Чунки Оврупо янги асбоб ила мундин яхши килиб чикорур.

30 сана мукаддам Самаркандни Ёмини маҳалдасинда 300 алочабоф ишчи бор эди. Ал-он 30 нафар йўк. 10 сана сўнгра тамоман махв бўлур.

Хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислохи лозимдур. Валлох, ҳар нимарса кўлдан кетар, бизда муздурликдан бошқа ҳеч иш қолмас. Бир ускуна, дўкон ва саройни ишлатмокга ҳам илми замоний ва замона шумлигини билмок лозим. Валлох, биздан дунё илмини яхши билатургонларга мулк ва асбобимиз ўтар ва ўтуб турубдур.

Киска килайлик, бошқа миллатларни бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорилфунунлар соладурлар, фақир ва етимларни ўкумоги учун вақф "истипендия"лар

таъйин килур. Бошқа миллат милиўнерлари мактаби ила истипендияси-ла, идора килатургон газет ва мажалласи-ла, бино килган доруложизин (аёллар университети — *Н. О.*), барпо килган жамъияти хайрияси-ла фахр киладур.

Бизникилар жуфт оти-ла, аробаси-ла, тўйи ила ва... ла фахр этар. Хатто, ўз ўгилларини ўкутмайдургон бойлар бордур.

Бу кетишни охири ямондур, ўкумок, ўкутмок керакдур. Болаларга оталардан илм диний ва илми замоний мерос колсун.

Бутун Туркистондан ўн бой йилинда минг сўмдан берса, 25 бола учун Тошканда "диний ва замоний" бир "пансиун" лайли ва нахори 5 мукаммал мактаб бино бўлуб, хар йил ҳукумат мактабинда 50 бола тайёрлайдур.

Ўн йилда булардин... 200 мухандис, дуктур, ҳукукшунос, муаллим, техник, замона тожири, валлох... чикар ва бизни замон одамлари каторида кўярлар ва давлат ишига кирарлар. Руслар ила бизни хасан имтизожларимизга хизмат киладурлар.

Ал-он миллатимиз бойлардан шуни кўз тутар, халойикни барбод этатургон тўйларни эмас. Ох, бу сўзларни тушунатургон бойлар бизда етушганми?

*"Самарканд" газетаси, 1913 йил, 12 июл*